

У.К. УТАНОВ

**АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ
МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ
МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

УТКИР КУРЪОНОВИЧ УТАНОВ

**АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ
МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ
МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

(Монография)

ТОШКЕНТ – 2016

УЎК:371.124
КБК 60.56(5Ў)
У-79

У-79 У.К. Утанов. Аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида бўлажак ўқитувчи шахси маънавиятини шакллантириш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 144 бет.

ISBN 978–9943–4683–8–2

УЎК:371.124
КБК 60.56(5Ў)

Масъул муҳаррир:

Н.Шодиев – п.ф.д., профессор.

Тақризчилар:

О.Ғайбуллаев – ф.ф.д.;

Ш.Мардонов – п.ф.д., профессор;

Б.Муранов – п.ф.н., доцент.

А.Навойи номидаги Самарқанд давлат университети илмий Кенгашининг 2016 йил 20 мартидаги 8-сонли қарорига асосан чоп этилди.

ISBN 978–9943–4683–8–2

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.

СЎЗ БОШИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ҳаётида мисли кўрилмаган катта ютуқларга эришилди. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ва кучли илмий асосда олиб борилаётган ислохотлар миллат, мамлакат ва Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси манфаатларини кўзлаб олиб борилаётганлиги учун ҳам эътиборли бўлмоқда.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз мамлакатимизда барпо этилаётган жамият – ҳуқуқий, инсонпарвар, демократик давлат талабларига мутаносиб равишда ўзларини ривожлантиришга устувор аҳамият бермоқдалар. Бундай жараёнда, айниқса, маънавият масаласига кенг эътибор қаратилмоқда. Маънавият жамият фуқаролари, айниқса, ёшларни эски тузум асоратларидан халос этувчи, шахсни тарбияловчи, уни уюштирувчи, мақсад йўлида бирлаштирувчи буюк кучга айланиб бормоқда.

Маънавият – ўзбек халқининг буюк келажак сари ташлаётган залворли қадамни янада салобатлироқ қилмоқда. Жамиятнинг, ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳаси йўқки, у маънавият, маънавий юксалиш билан уйғунлашмаган бўлсин. «Менинг назаримда, – дейди И.Каримов, – «маънавият» тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги «маънавият» тушунчаси орқали ифода этиш мумкин»¹.

Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасига ҳам тааллуқли бўлиб, бўлажак ўқитувчилар маънавиятини шакллантириш вазифаси устувор йўналиш сифатида яққол кўзга ташланмоқда. Зеро, фақатгина ёш авлодни камол топтиришга, уни янги ижтимоий муносабатларга кириша оладиган умуминсоний қадриятларни эътироф этадиган, маънавий баркамол, юксак маънавиятли этиб тарбиялаш кўп жиҳатдан бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий камолот даражасига боғлиқдир. Ана шу сабабли ҳам «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий мақсади сифатида таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.20.

кадрлар тайёрлаш белгилаб берилган. Жумладан, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг «Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» бўлимининг «4.4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар» бандида қуйидаги вазифалар алоҳида келтириб ўтилган: «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади»¹.

Демак, педагогика олий таълим муассасалари олдида турган долзарб вазифа нафақат интеллектуал салоҳияти юқори, балки маънавий жиҳатдан ҳар томонлама камол топган ўқитувчи шахсини шакллантиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Мазкур вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун аудитория машғулоти билан бирга, аудиториядан ташқари машғулоти интеграциясини таъминлаш лозим. Реал таълим амалиёти педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавиятини шакллантиришга доир аудиториядан ташқари иш шакллари, анъанавий давра суҳбатлари, учрашувлар, тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолаётганлиги, мазкур жараёни ташкил этишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатади. Мазкур ҳолат аудиториядан ташқари машғулоти жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавиятини шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишни тақозо этади.

¹ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2013 й. – Б.15.

І БОБ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бўлажак ўқитувчи шахси маънавиятини шакллантириш – ижтимоий зарурият сифатида

Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасига ҳам тааллуқли бўлиб, бўлажак ўқитувчилар маънавиятини шакллантириш вазифаси устувор йўналиш сифатида яққол кўзга ташланмоқда. Зеро, фақатгина ёш авлодни камол топтиришга, уларни янги ижтимоий муносабатларга кириша оладиган умуминсоний қадриятларни эътироф этадиган, маънавий баркамол, юксак маънавиятли шахс этиб тарбиялаш кўп жиҳатдан бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий даражасига боғлиқдир.

Мазкур масаланинг нечоғлик долзарб эканлигини юртбошимиз ўзларининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида қуйидагича таъкидлаб ўтадилар: «Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимиз яхши тасаввур қиламиз. Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларга нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етук ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз»¹.

Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг намоён бўлиши ҳар қачонгидан шиддатли тус олаётгани яққол кўзга ташланмоқда: дунёнинг мафкуравий манзарасининг ўзгариб бориши; геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг уйғунлашиб бориши; мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда мафкуравий тамойиллар аҳамиятининг ошиб бориши; мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва шу кабилар.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.130.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаларидан бири ушбу жараёнларга мос келадиган, янги фикрловчи авлодни тарбиялашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Миллий меросимиз, қадриятларимиз қайта тикланиши, миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши туфайли одамлар онгида, тафаккурида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Маънавий-маърифий жараёнлардаги ўзгаришлар одамларимиз қалби ва онгига сингиб, уларда келажакка, ўз кучига, ўз имкониятига ишонч, Ватанга муҳаббат, эркинлик хиссини тарбияламоқда. «Энг муҳими, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистик ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда одамларнинг ўзи ўзгарди»¹. Фақат истиқлол халқимизга ўз Ватанида ўзини эркин хис этиш, эркин фикрлаш, мустақил тафаккур юритиш имконини берди. Ва у кенг қўламдаги сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда асосий куч-қудрат бўлиб хизмат қилмоқда.

Бинобарин, халқимиз босиб ўтилган ислоҳотлар жараёнида иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва бошқа соҳалар бўйича тегишли маънавий сабоқлар олди. Дарҳақиқат, фақат маънавий эркин ва озод халқ теран ҳамда комил тафаккур туфайли ҳар соҳада катта ютуқларга эришиши мумкин. Ислоҳотлар жараёнида эришилган муайян муваффақиятлар тафаккур ва маънавият озодлиги, эркинликнинг тантанаси туфайлидир. Маълумки, юксак маънавиятнинг биринчи шarti бу – эркинликдир, жамият аъзоларининг ўзини озод ва эркин хис этишидир. Зотан, «фуқаро» тушунчаси билан «эркинлик» тушунчаси ўзаро ҳамоҳанг ва маънодошдир. Озод мамлакатнинг эркин шахсида эса кенг имкониятлар даражасида ўз миллати менталитетига хос маънавий янгилашни содир бўлиши, мустақил тафаккур шаклланиши мумкин.

Бугун улғаётган ёшлар эртага мустақилликнинг ишончли таянчига, халқимизнинг асосий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижодий, интеллектуал кучига айланади. Шундай экан, уларнинг дунёқараши, тафаккури қай даражада илғор бўлиши, ҳозирги даврнинг юксак талабларини ўзига мўлжал қилиб олиш, шунга интилиш салоҳияти мамлакатимиз истиқболини, миллатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини белгилаб беради. Бугунги воқелик, атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга янги қараш, уларни бутун мураккабликлари ила тубдан янги идрок этиш, янги сиёсий, иқтисодий, маънавий мезонларда баҳолашни талаб этмоқда. Шу боис янги жамият

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. – Б.13.

барпо этиш жараёнида инсонга ва жамиятга, бутун борлиққа муносабатни ўзгартириш, ижтимоий онгни янгилаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. «Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади»¹.

Миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз, илм-фан соҳасидаги ота-боболаримиздан қолган мероснинг қайта тикланиши, халқимизнинг миллий ўзлигини англаш жараёнининг ўсиб бориши натижасида халқимиз тафаккур тарзида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Хаётимизда содир бўлаётган бу ўзгаришлар одамлар қалби ва онгига сингиб, уларда келажакка ишонч туйғусини, озодлик ва эркинлик ҳиссини тарбияламоқда. Мустақиллик туфайли тобеълик ва қарамликдан озод бўлган давлатимиз ички ва ташқи сиёсатда ҳеч кимнинг аралашуви, тазйиқи ва кўрсатмаларисиз халқ манфаатларини кўзлаб иш юритмоқда. Юртимиз истиқлолигина бой маданий-маънавий меросимиздан, буюк аجدодларимиз яратган маънавият чашмаларидан баҳраманд бўлишимиз учун кенг йўл очди. Мустақиллик халқимизга юртимизнинг бебаҳо ер ости ва ер усти бойликларига чинакамига эгалик қилиш, ўз диёрида ўзини эркин ҳис этиш, эркин фикрлаш, мустақил тафаккур юритиш имконини берди. Миллий мустақиллик тафаккури мамлакатимизда кенг кўламли сиёсий-ижтимоий ислохотларни амалга оширишда асосий омил – куч-қудрат бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамиятда кечаётган ижтимоий ислохотларнинг самарадорлиги унинг фуқаролари эга бўлган маънавиятга боғлиқ. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жамият ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизларини аниқ белгилаб берди. Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик ².

Зеро, жамият ривожланиши фақат унинг иқтисодий тараққиётинигина эмас, балки маънавий юксалишини ҳам тақозо этади.

Ҳар қандай мафкура каби Ўзбекистон Республикаси миллий мафкурасининг асосий ғояларидан бири ҳам жамиятда маънавий-ахлоқий қарашларнинг устуворлигига эришиш саналади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавиятини шакллантириш масаласи ҳақида фикр юритганда, энг аввало, муаммога доир «маънавият», «маъ-

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б.34.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – Б.65.

навий эҳтиёж», «маънавий бурч», «маънавий ворислик», «маънавий маданият», «маънавий мерос», «маънавий фазилатлар» каби асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Маънавият шахс, халқ, давлат ва жамиятнинг куч-қудрати, тараққиёти, имкониятлари ва истиқболларини белгилаб берувчи ички ижобий, руҳий омилдир. Маънавият (арабча «маънавият» – маънолар мажмуи) моҳиятига кўра ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир ўтказувчи фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввур, тушунча ва ғоялар мажмуи ҳисобланади.

Маънавият – инсонни бошқа мавжудодлардан ажратиб турувчи муҳим омил ҳисобланади. Инсон табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юсак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Фақатгина моддий жиҳатдан кифояланиш онгсиз ва руҳсиз махлуқотларга хос бўлган хусусиятдир. «...Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади»¹. Шу боис инсоннинг эркинликка, адолатга, камолотга интилиши, ижод қилиши маънавий эҳтиёжлари туфайлидир. Инсон ўз табиатига нолайиқ ҳолда эмас, балки унга муносиб равишда яшамоғи лозим. Шу маънода маънавият ўз-ўзини яратиш фаолиятининг мазмунидир. Маънавият ижтимоий ҳодиса сифатида биргина шахс онгига боғлиқ бўлмасдан, унинг ўзгариши, ривожини умуммиллий тажриба орқали амалга ошади. Маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул. Маънавият – одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир. У инсоннинг ботиний томонига қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Маънавиятнинг моҳияти, амалий аҳамияти, айниқса, жамият ҳаётида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган даврларда яққол кўзга ташланади. Давлатнинг кучи ва қудратини маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишиларгина белгилайди. Маънавиятга эътибор берилмаган мамлакатда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий бўҳронлар содир бўлади. Мамлакат беҳисоб табиий бойликларга эга бўлсада, лекин халқи маънавий жиҳатдан қашшоқ, қолоқ бўлса, у давлат ҳеч қачон буюк бўла олмайди. Шу боис инсон ҳамиша неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди.

Бу ўринда маънавият тушунчасининг таърифи, унинг таркибий қисмлари ҳамда жамият ҳаётидаги беқиёс аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтишимиз лозим. Чунки яқин-яқингача илмий адабиётларда маданият,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б.81.

жумладан маънавий маданият ҳақида гапирилар эди-ю, маънавият ҳақида ҳеч нима дейилмасди.

Маънавият тушунчаси моҳияти ва мазмуни жиҳатидан мураккаб ва серқирралидир. Маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу илоҳий нур ҳеч бир жонзотда йўқ. Маънавият шундай бир сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга башар қудрати етмайди. Бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлардан бири Э.Юсупов «Маънавият – инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларнинг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимидир»¹, – деб таърифлайди.

«Ватан туйғуси» китобида «Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча»² – деб таърифланган.

М.Қаршибоев маънавиятни «илоҳий нур, инсоний моҳият рамзи»³ сифатида таърифласа, И.Саифназаров маънавиятнинг ботиний мазмунига кўпроқ эътибор берган⁴. А.Мухторовнинг «Маънавият» тушунчасига билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборлидир. Унингча, «Маънавият» кишининг онги, тафаккури, дунёқараши, ишонч ва эътиқоди, имконияти, истеъдоди, фаолияти ва қобилиятини ифодаловчи кенг қиррали ижтимоий ҳодисадир»⁵. Г.Ж.Туленова эса «Маънавият – ҳар қандай жамиятнинг муҳим унсуридир. Юксак маънавият, мафкурасиз ҳеч қандай жамият ҳам, давлат

ҳам тараққий эта олмайди. Маънавияти юксак даражада ривожланган миллат, халқгина келажакка томон изчиллик билан қадам босади»⁶ деган фикрни билдирган.

Албатта, «маънавият» тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин:

1) маънавият – инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг таркибий қисми, онги, ақл заковатининг маҳсули;

2) маънавият моддий ҳаётни акс эттиради ва жамиятда мавжуд бўлган маънавий ҳодисалар йиғиндиси сифатида кўзга ташланади;

¹ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998. – Б.34.

² Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.

³ Қаршибоев М. Талотўпдан уйғунлик сари. – Т.: «Маънавият», 1997. – Б.7-12.

⁴ Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: «Шарк», 2001. – Б. 14.

⁵ Мухторов А. Юксак маънавиятли соғлом авлодни тарбиялаш - мақсадимиз // Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари (Маърузаларнинг қисқача матнлари). –Т., 2000. – Тўплам. ЎзРФА –Б. 105–108.

⁶ Туленова Г.Ж. Ёшлар маънавияти ва камолотни ошириш тараққиёт зарурияти (Мустақил Ўзбекистон фалсафа фанларининг долзарб муаммолари) // (Маърузаларнинг қисқача матнлари). – Т., 2000. – Тўплам. ЎзРФА. – Б.103.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3997> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3997> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3997>